“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент шаҳар
статистика бошқармаси бошлиғи
_____ Д.Б.Шерматов
“16” октябрь 2017 йил

Хизматлар сохаси статистикаси бўлими тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Тошкент шаҳар статистика бошқармаси хизматлар сохаси статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаси (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) нинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3.Бўлим фаолияти ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарорлари ва фармойишларига, Давлат статистика қўмитасининг қарор ва буйруқларига, “Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомларга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарманинг ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади, бир вақтнинг ўзида унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитасидаги Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади.

6. Бўлим ўз фаолиятини Тошкент шаҳар статистика бошқармасидаги тармоқ бўлимлари ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, фаолиятни мувофиқлаштириш, функционал тартибга солиш соҳасида:

иқтисодиётдаги хизматлар ҳажмларининг статистик ҳисобини юритишда қиёсий таҳлилий маълумотларни ўз муддатларида сифатли тайёрланишини таъминлаш ҳамда статистик маълумотларни ҳисобга олиш услубиятларини ҳалқаро стандарт ва қоидалар талабларидан келиб чиқиб амалиётга жорий этиб бориш, хизматлар статистикаси соҳасида илмий асосланган статистик методологияни ва давлат статистика кузатувлари тизимини режалаштириш, ривожлантириш ва жорий этиш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш юзасидан таҳлилий таклифлар ишлаб чиқиш;

хизматлар соҳасида иқтисодий жараёнларни ўрганиш, кўрсаткичларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

хизматлар статистикаси доирасида Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Бошқарма тармоқ бўлимлари ҳамда туман статистика бўлимларининг хизматлар статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

б) хисматлар сохаси статистикаси соҳасида илмий асосланган методологияни жорий этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

хизматлар соҳаси бўйича статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва сақлашнинг замонавий усул ва услубиятларини кенг жорий қилган ҳолда статистик кузатувларни ташкил этиш;

туман статистика бўлимлари томонидан, хизматлар соҳаси статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ишларни ташкил этиш;

хизматлар соҳаси бўйича давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

в) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда туман статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, хизматлар сохаси статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш.

8. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси ва туман статистика бўлимларининг инвестициялар ва қурилиш статистикаси масалалари бўйича ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончлилигини, холислигини ва қиёсийлигини таъминлайди, соҳага оид статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимини такомиллаштиради;

хизматлар соҳаси статистикаси доирасида давлат статистика кузатуви шакллари, уларни тўлдириш тартиблари бўйича тушунтиришларни, статистик кўрсаткичларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

статистик тўпламлар ва маърузалар учун хизматлар соҳаси фаолияти бўйича маълумотларни тайёрлайди;

хизматлар дастурларининг бажарилиши юзасидан статистик кузатувларни ташкил этади;

Давлат статистика ишларини ишлаб яиқариш дастурига мувофиқ, Бошқарма раҳбарияти топшириғига асосан ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида хизматлар соҳаси статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлим фаолиятига оид статистика услубиятлари, статистика ишларини ташкил этиш масалалари бўйича Бошқарма бўлимларига, туман статистика бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди.

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг муҳим устивор

йўналишларини, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлиб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган шаклларда ва муддатларда статистик маълумотларни сўраш ва олиш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг таркиби ва мазмунига оид таклифлар киритиш;

хизматлар сохаси статистикасига оид ҳисоботлар шаклларини, танлама кузатув сўровномаларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

бўлим ваколатларига кирадиган масалаларни кенгашда муҳокама қилиш учун маълумотлар тайёрлаш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, ушбу Низом, Давлат статистика қўмитаси буйруқлари ва қарорлари, шунингдек, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Тошкент шаҳар статистика бошқармасидаги I ва II ярим йиллиги учун иш режалари, Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармасининг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларининг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини Тошкента шаҳар статистика

бошқармасининг топшириқларини электрон ҳужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бошқарманинг ойлик ҳисоботини тузиш орқали ташкил этилади.

11. Бўлимга бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

V. Бўлимнинг жавобгарлиги

12.Бўлим ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун, бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради.

Бўлим бошлиғи ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг мухим устивор вазифалар ва замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонуни, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисида"ги Низом ҳамда ушбу низомда белгиланган вазифалар, функциялар, мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши учун жавоб берадилар.

VI. Бўлим тузилмаси

13.Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлиғини, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош мутахассис, етакчи мутассиси, шунингдек 2 та 1-тоифали мутахассисни олади.

Бўлимга Бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи ва бўлим мутахассислари бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.